O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 13 апрель, № 70 (3869) Пайшанба



Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида буюк Соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган катта кураш бўлди. Шаҳардаги бош стадион томошабинлар билан лиқ тўлди. Мусобақанинг бош мукофоти ҳам катта эди. Президент соврини — «Нексия» автомашинасини қўлга киритиш учун юртимизнинг манаман деган полвонлари тўпланишди. Кураш бўйича жаҳон чемпионлари сурхондарёлик Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, кўплаб нуфузли турнирлар ғолиби самарқандлик Ўткир Саломов, қашқадарёлик Нурилла Абдуллаев ғолиблик учун асосий даъвогарлардан эди.

СОҲИБҚИРОН ТЎЙИГА БАҒИШЛАНГАН БЕЛЛАШУВ

Турнирни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон кураш федерациясининг президенти Абдулла Орипов табрик сўзи билан очди. Юртбошимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли ўзбек кураши жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини топаётганлигини таъкидлади. Шунинг учун ҳам бу турнир «Президент — Мустақиллик — Кураш» шиори остида ўтмоқда. Қадимий Занжирсарой замини бугун Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан ташкил этилган катта турнирга мезбонлик қилди.

Гиламга биринчи бўлиб бир вақтлар воҳада довруғ таратган, ҳозир 80 ёшдан ошган Жўра полвон Нормўминов ва Жума полвон Баратов чиқишди. Нуроний отахонларнинг дуоси билан кураш бошланди. Фахрий полвонлардан 70 ёшли Абдурашид Мирзаев ва Шомурод Эгамбердиев росмана кураш тушишди. Кураш яктагини кийган 60 полвон бугунги кунда мутлақ вазнда ким энг кучли эканлигини аниқлаш учун бирин-кетин гиламга чиқа бошлади. Тўрт соат давом этган беллашувлардан сўнг финалда қатнашувчи спортчилар маълум бўлди. Ярим финалда қашқадарёлик Меҳриддин Шоймуродов устидан ғалаба қозонган Давлат Чориев ва тошкентлик Шуҳрат Муродовдан устун келган Ўткир Саломов бош соврин учун гиламга чиқишди.

Дастлабки дақиқада самарқандлик полвон бироз устунлик қилиб, иккита «чала» баҳосини олган бўлса, кейинги дақиқаларда ташаббус тўлиқ сурхондарёлик полвонга ўтди. Аввал «ёнбош», кейин «ҳалол» баҳоланган усуллари унга соф ғалаба келтирди.

Турнир ғолиби Давлат Чориевга Президент соврини — «Нексия» автомашинасининг калити топширилди. Ўткир Саломовга туя, учинчи ўринни эгаллаган Меҳриддин Шоймуродовга от, Шуҳрат Муродовга телевизор берилди.



Мусобақа якунида вилоятда курашни ривожлантиришда катта хизмат қилган фахрий полвонлардан йигирматасига эсдалик совғалари топширилди.

Совринларни Абдулла Орипов, вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев ва халқаро кураш ассоциацияси президенти Комилжон Юсупов топширдилар.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ж. НОРҚОБИЛОВ
олган суратлар.

БИР ШИОР ҲИКМАТИ

Бу қанотбахш жумлани ҳар куни бўлмаса-да, кунора ўқиймиз, кўрамиз, эшитамиз: "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!" Президентимиз томонидан юксак ғурур билан айтилган, бутун мамлакат ҳаётини, босиб ўтаётган йўлини ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган ушбу жумлага дуч келган чоғимизда дилдан ажиб бир туйғу ўтади. Бу туйғунинг номини иккиланмасдан камоли ишонч деб атасак бўлар. Зеро, ишонч бор жойда тараққиёт бор, адолат барқарор, меҳр устун. Ишонч ҳукмрон элдан файзу барака, осойишталик, хотиржамлик аримайди.

Маърифат соати

Бугунги кунда таълим-тарбия жабҳасида олиб борилаётган ишларнинг қамрови шу қадар кенгки, ўз ўрнида бу мамлакатимизнинг буюк келажаги учун мустаҳкам пойдевордир. Ахир, бир тасаввур қилинг-а, айни пайтда юртимизда ўн мингга яқин мактаб фаолият кўрсатаяпти. Уларда беш юз мингга яқин ўқитувчи ёшларга сабоқ бераяпти. Таълим жараёнининг асосий бўғинига ҳукумат миқёсида бу қадар эътибор қаратиш, ўқитувчи-мураббийлар меҳнатини қадрлаш унча-мунча давлатда йўқ.

Кўз юммаслигимиз керакки, мактабга шунчаки, куним ўтса бўлди, дея хўжакўрсинга келиб-кетадиганлар ҳам бор эди. Ҳукуматимизнинг бу соҳага қаратилган тегишли қарорлари бундай бошбошдоқликларга чек қўйиш билан бирга ўртада ижобий рақобат, ижодий муҳитнинг шаклланишига катта туртки бўлди.

Мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги худди шундай илиқ гапларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир туманида, ҳатто энг чекка қишлоқларида ҳам қад ростлаётган коллеж-лицейларни кўриб, қувонмаслик мумкин эмас. Муҳими шундаки, бундай иншоотлар фақат кўз қувнаши учун барпо этилмади. Уларда минглаб йигит-қизларимиз билим олишаяпти, ҳунар эгаллашаяпти. Юртимнинг корига ярайин, ота-онамнинг оғирини енгил қилайин, деган эзгулик ёшларимизнинг қалбига мустаҳкам ўрнашган. Бу ҳақиқатга мен вилоятимиз туманларидаги коллеж-лицейларда ўқиётган ўқувчилар билан ҳар гал суҳбатлашганимда янада яққолроқ амин бўлавераман. Тан олиб ва ҳавас қилиб айтаманки, бугунги ёшлар интилувчан ва изланувчан. Уларнинг илм олишга иштиёқларини кўриб эса Президентимизнинг: "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!" деган иборалари нақадар халқчил эканлигига ботбот амин бўлавераман.

Бир мисол. Яқинда Ургут туманида жойлашган тиббиёт коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари билан суҳбатлашдик. Суҳбат олдидан эса коллеж директори билан бирорта ўқитувчининг дарс жараёнини бевосита кузатишга келишиб олгандик. Ва бориб Маънавият дарсини кузатдик. Ўқитувчи ёш йигит. Исм-шарифи Матниёз Уроқов. Яқиндагина Самарқанд давлат университетини битирган бу йигитча дарсни шунчалик самимий олиб борардики, аудиторияда ёқимли сукунат ҳукмрон. Ёш ўқитувчи ўзининг дарсини Президентимизнинг асарлари асосида олиб борарди. Биз борган кунимизда унинг дарси: "Огоҳлик — давр талаби" мавзусида экан. Давлатимиз раҳбарининг Конституция қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган нутқи бўйича ўтказилаётган бу дарсда зерикарли гапнинг ўзи йўқ эди. Хусусан, Президентимиз нутқида билдирилганидек, бугунги кунимизнинг энг катта ва асосий ютуғи ортида мамлакатимизнинг тинчлиги турганлиги ҳақида гап борар, бунга жавобан ўқувчилар ёш ўқитувчи билан қизғин баҳсу мунозарага киришарди. Бу фикру мулоҳазалар замирида эса шу юртни асраш, унинг эртанги куни учун ёниб яшаш иштиёқи мужассам эди. Ўша кунги кўтаринки кайфият дарсдан сўнгги учрашувда ҳам ҳукмрон бўлди. Ўқувчилар давлатимиз етакчисининг ишончларини оқлаш энг асосий бурчлари эканини тўлқинланиб изҳор этарканлар, беихтиёр бу ўсмир йигит-қизлар буюк келажагимизнинг чин маънода ворислари эканига ишонасан, киши.

Муродилла ХОЛМУҲАММЕДОВ,
Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Республика Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарди.

Хоразм, Навоий ва Наманган вилоятларида болаларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолиши ҳолатлари, бундай муҳитда юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида яшовчи ёшларга кўрсатиладиган тиббий, ижтимоий, маданий хизматнинг сифати ва кўламини оширишга оид ишларнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси тобора кучайтирилаётгани ва амалга оширилаётган изчил профилактика тадбирлари натижасида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик камаймоқда. Бунда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартибот органларининг масъул ходимлари иштирокида ўтказилаётган турли тадбирлар яхши самара бермоқда.

Бу борада Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда болаларнинг қаровсиз ҳамда назоратсиз қолиши олдини олишга қаратилган тарбиявий-профилактика тадбирлари олиб борилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хоразм вилоятида болалар спорти ривожи учун мавжуд шароитлар яхшиланаётганлиги туфайли болаларни спортга жалб қилиш ва уларнинг тўгаракларга қатнашиши сезиларли даражада ортган.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Навоий вилояти комиссияси фаолияти халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида муҳокама этилиб, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилгани эътиборга лойиқдир.

Наманган вилоятида эса ҳуқуқбузарликка мойил болаларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш учун «Устоз — шогирд — педагог» лойиҳаси асосида ўсмирларга касб ўргатиш ишлари яхши ташкил этилган. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Поп ва Учқўрғон туманларидаги мактабларда жамоатчилик асосида «Маҳалла сардорлари» ҳаракати ташкил этилганлиги ижобий натижа бераётир.

Йиғилишда бу борада ҳали қатор камчиликлар мавжуд эканига эътибор қаратилди. Бош прокуратура томонидан қишлоқ жойларида яшовчи ёшларга кўрсатиладиган тиббий, ижтимоий, маданий хизматларнинг сифати ва ҳажмини оширишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликларига тегишли тақдимномалар киритилгани таъкидланди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Иномова ва Р.Қосимов иштирок этди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Сўнгги соатда

«Пахтакор» ҳозирча пешқадам

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасида навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. «А» гуруҳида қатнашаётган «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида Эрон чемпиони «Фулад»ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўпларни Зайниддин Тожиев ва Сервер Жепаров киритди. «Пахтакор» ушбу ғалабадан сўнг 6 очко билан ўз гуруҳида пешқадам бўлиб олди.

«В» гуруҳида ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Муборакнинг «Машъал» жамоаси сафарда Саудия Арабистони чемпиони «Ал Ҳилол» билан учрашди.

Жамшед ТОҒАЕВ.

Қирқиш чизиғи

39-модда. Ширкатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ширкатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

40-модда. Айрим қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидаги қонунлар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги 761–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 113-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида"ги 762–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 114-модда).

41-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин, давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

42-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 апрель.
№ ЎРҚ — 32

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

аллуқли ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш;

кўп квартирали уйдаги жойларни қайта қуриш, ўзгартириш ва қайта жиҳозлашни келишиб олиш тартибини белгилаш;

умумий мол-мулкни ижарага бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

хўжалик бинолари ва бошқа биноларни қуриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

қарз маблағлари олиш, шу жумладан банк кредитлари олиш, шунингдек битта уйдаги жой мулкдорларининг маблағларини ширкатдаги бошқа уйнинг эҳтиёжлари учун олиб туриш (қайта тақсимлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромаддан (фойдадан) фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

ширкатларнинг уюшмаларига (иттифоқларига) ва бошқа бирлашмаларга кириш ҳамда улардан чиқиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

бошқарув раиси ва бошқарувчи (ижрочи директор) ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этмаган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бошқарув раисини чақириб олиш ҳамда бошқарувчини (ижрочи директорни) лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги таклифларини, шунингдек ана шу лавозимларга номзодлар бўйича тавсияларини кўриб чиқиш.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатига қонун ҳужжатларига ва ширкат уставига мувофиқ бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

20-модда. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш ва олиб бориш тартиби

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши йилига камида бир марта ширкат уставида белгиланган тартибда чақирилади.

Ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олтмиш кундан кечиктирмай чақирилади.

Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бошқарувнинг, ширкатда камида ўн фоиз овозга эга бўлган ширкат аъзоларининг ташаббусига, шунингдек тафтиш комиссиясининг талабига биноан чақирилиши мумкин.

Ширкат қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган тақдирда ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чақирилиши мумкин.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган жой, сана, вақт, йиғилиш кун тартиби ҳақида ширкат аъзоларини хабардор қилиш ширкат уставида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши кун тартибига умумий мол-мулкни сақлаш ишларининг режаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, мажбурий бадаллар миқдорларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш киритилган бўлса, ширкат бошқаруви умумий йиғилиш ўтказилгунига қадар ширкат аъзоларига мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт. Бундай танишиш тартиби ширкатнинг уставида белгиланади.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини оддий кўпчилик овоз билан сайланадиган йиғилиш раиси олиб боради.

Ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий йиғилишда бир овозга эга бўлади.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши баённома билан расмийлаштирилади. Баённома йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

21-модда. Ширкат аъзосининг ширкат аъзолари умумий йиғилишидаги вакили

Жой мулкдорининг оддий ёзма шаклдаги ишончномасига эга бўлган шахс ширкат аъзоларининг уму-

Бугунги кунда мамлакат тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш ва унинг ҳаётий ижросини таъминлаш ҳар бир фуқаро фаолият мезонига айланмоғи зарур. Зеро, бу ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш учун курашаётган ҳар бир ўзбекистонликнинг бирламчи вазифаси ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқи бу йўналишдаги вазифаларимизни янада ойдинлаштириб берди. Шу билан бир қаторда Сенат аъзолари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари ўртасида узилиш мавжудлиги кескин танқид қилинди. Табиийки, бу эътироз нафақат Сенат аъзоларига, балки Қонунчилик палатаси депутатларига ҳам бевосита дахлдордир.

Депутат сўзи

МАҚСАДИМИЗ — МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР

Парламент палаталари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича баъзи мулоҳазалар

Президентимизнинг Қонунчилик палатасининг ташкилий йиғилишидаги маърузаларида шундай сўзлар бор: **«Агарки, қаердадир бирон бир муаммо пайдо бўлса, сизлар, авваламбор, бу масала бўйича қонун қабул қилинганми ёки йўқми, деб ўзингизга савол беришингиз, имкон қадар шундай вазиятга йўл қўймасликка ҳаракат қилишингиз зарур. Лекин, афсуски, қонунчилик ишида шу пайтгача бундай ёндашув, бундай тажриба бўлгани йўқ ва энди бундай ҳолатни бартараф этиш фурсати етди».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Маҳаллий кенгашлар депутатлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш зарурлиги Президентимиз томонидан белгилаб берилган ушбу вазифанинг ижроси нуқтаи назаридан келиб чиқади. Чунончи, маҳаллий кенгашлар депутатлари ўзларининг хизмат фаолиятлари мобайнида жойлардаги номувофиқликлар, шу жумладан, амалдаги қонунлардаги номукаммаллик ёки камчиликлар туфайли тузилган муаммолар билан ҳар куни дуч келадилар. Демак, Қонунчилик палатаси депутатлари масалаларни қўйишда тўғридан-тўғри маҳаллий кенгашлар депутатлари билан алоқани мустаҳкамласалар, ҳаётимизнинг бугунги эҳтиёжларини тезроқ англаб олардилар.

Икки палатали парламентаризм амалиётида кириб келган янги тушунча — бу Сенат томонидан қайтарилган қонун лойиҳалари бўйича келишув комиссияларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил қилиш масаласидир. Матбуотда айрим ҳолатларда мазкур жараёнга нотўғри тус бериш ёки уни ўз билганича талқин қилиш ҳолатлари учрамоқда. Биз ҳам ривожланган мамлакатлар қатори икки палатали парламент йўлини танладикми, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасида белгилаб қўйилган Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга тасдиқлаш учун юборилган қонун лойиҳаларини Сенат томонидан Қонунчилик палатасига қайтарилиши ёки Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланган қонун лойиҳаларини мамлакат Президенти томонидан ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтарилиши жараёнларига табиий ҳол деб қарашни ўрганишимиз лозим. Аслида, икки палатали парламентаризм амалиётига ўтишимиздан мақсад қабул қилинадиган қонунларнинг мана шундай босқичларни ўтиши орқали бекаму кўст бўлишига эришишдир.

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида Президентимиз нутқларида кўтарилган яна бир масала — Сенат ва Қонунчилик палатаси назорат-таҳлил фаолиятида такрорлаш ҳолатлари мавжудлиги тўғрисида бўлди. Мазкур муаммони ҳал қилишга ўта масъулият билан ёндашиш зарур эканлиги яна бир карра ўз исботини топди. Табиийки, бир палатали парламентаризм амалиётида бундай муаммо бўлмаган. Янгиланган парламентда амалга оширилаётган назорат-таҳлил амалиётини бир масалани текширишни иккита орган томонидан амалга ошириш билан қиёслаш мумкин.

Яъни, назорат-таҳлил фаолиятида ҳар иккала палатадаги тегишли қўмиталар айнан бир қонун ижросини олдинма-кейин ўрганишса, жойлардаги ижроия ҳокимияти органларида, биринчи навбатда сайловчиларда Олий Мажлиснинг юқори ва қуйи палаталари фаолияти тўғрисида нотўғри тасаввур келиб чиқиши мумкин.

Бундай муаммонинг келиб чиқиши бир хил текшириш ваколатига эга бўлган иккита ваколатли органнинг бир-бирини такрорлаши билан боғлиқдир. Бугунги кунда Президентимиз раҳбарлигида иқтисодиётни эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири иқтисодиёт субъектларини текширишлар сонини кескин камайтиришга қаратилганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, парламентчилик амалиётидаги бундай такрорланишларни ҳеч бир сабаб билан изоҳлаб бўлмайди.

Албатта, сенаторлар ва депутатлар қонунлардаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ҳамда зарур ҳолларда янги қонунлар қабул қилиш ва амалдагиларига тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросидан келиб чиқиб, назорат-таҳлил фаолияти зарурлигини эътироф этишлари лозим.

Президентимиз Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида Олий Мажлиснинг иккала палатаси ўртасида Мувофиқлаштириш кенгаши тузиш лозимлигини уқтирдилар. Бу таклиф замирида жуда чуқур маъно мужассам. Чунки ҳар қандай қўшимча таркибий тузилманинг пайдо бўлиши жамият манфаати нуқтаи назаридан амалга оширилиши ва мамлакатда олиб борилаётган эркинлаштириш сиёсатига хизмат қилиши лозим. Битта органнинг икки бўлинмаси ўртасида мувофиқлаштириш учун зарурият нимадан келиб чиқди, деган саволнинг жавобини биринчи навбатда Олий Мажлиснинг юқори ва қуйи палаталарининг назорат-таҳлил фаолиятларини мувофиқлаштириш лозимлигидан қидириш талаб қилинади. Чунки қачонки битта объект ёки унинг фаолияти икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи ташкилотлар томонидан текширилади ва текширишдаги такрорланишларнинг олдини олиш талаби бундай текширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Шунинг учун Мувофиқлаштириш кенгаши иш фаолиятининг кун тартибига биринчи навбатда палаталар назорат-таҳлил фаолиятларини тартибга солиш масаласи киритилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур муаммонинг ечимини топишда Президентимиз томонидан алоҳида масалалар бўйича такрор ва такрор таъкидланадиган **«янгидан велосипед ўйлаб топишга зарурият йўқ»** деган кўрсатмаларини ҳисобга олиш айни муддаодир. Агар бизда икки палатали парламентчилик амалиёти энди шакллана бошлаган бўлса, шундай мамлакатлар мавжудки, уларда кўп йиллардан буён бундай амалиёт қўлланилиб келинмоқда. Яъни мазкур такрорланишларнинг олдини олиш учун бу борада муайян тарихга эга мамлакатлар, чунончи Россия парламентида назорат-таҳлил жараёнини ташкил қилиш бўйича тажрибадан фойдаланилса мақбул бўларди.

Мазкур давлатлар амалиётидан тўғри ва мақсадли фойдаланиш бир-бирини такрорлаш ва ортиқча куч сарфлашга барҳам берарди. Табиийки, бу фикрдан бошқалар тажрибасини кўр-кўрона кўчириб олиш керак, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Бизнингча, Мувофиқлаштириш кенгаши мазкур масала бўйича қарор қабул қилишда қуйидаги жиҳатларни эътиборда тутиши лозим. Аввало, иккала палатанинг умумий назорат-таҳлил фаолияти доирасида **аниқ чегараланиш бўлиши талаб қилинади. Чегараланиш деганда ҳудудларни ўзаро бўлиб олиш тушунилмаслиги лозим.** Бу ўринда кўпроқ вертикал бошқарув жиҳатидан қонун ижросининг назорат-таҳлилида чегаралар-нинг аниқлаб олиниши муҳимдир. Зотан, Президентимизнинг **«Олдимизда турган муҳим вазифа — ҳар икки палата бир-бирининг ишини такрорламасдан, бир-бирини тўлдирган ҳолда, яхлит ва изчил тизим, бутун бошли бир қонунчилик органи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашдир»,** деган кўрсатмалари шундай иш тутишни тақозо этади.

Эркин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Оқсоқоллар сайлови:

ТАРАДДУД БОШЛАНДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» қарор қабул қилди. Матбуотда эълон қилинган қарорга биноан шу йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), уларнинг маслаҳатчилари сайланадилар. Хўш, мамлакатимиз ҳаётида бу жуда муҳим, долзарб тадбирга Фарғонаа вилоятида қандай тайёргарлик кўриляпти? Мухбиримиз вилоят кенгаши депутатлари, мутахассислар билан айнан шу мавзуда суҳбатлашди.

Долзарб мавзу

Асқарали РУСТАМОВ, вилоят ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари:

— Қарор эълон қилинган кундан бошлаб бу муҳим ва долзарб кампанияга тайёргарлик авж олдирилмоқда. Кеча бу масала халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама қилинди. Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия тузилиб, таркиби тасдиқланди, тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бу сайлов мамлакатимизда демократик жараёнларнинг сифат босқичига чиққан бир паллада ўтказилаётганлиги билан эътиборлидир. Сайловда вилоятдаги 980 та фуқаролар йиғинларига етакчилар ҳамда уларга яқиндан кўмаклашувчи 10 мингдан зиёд маслаҳатчилар сайланади. Шу боисдан ҳозирдан сайловни ошкора, демократик тамойиллар асосида ўтказиш учун давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролар йиғинларига кўплаб таклифлар, мурожаатлар келиб тушмоқда.

Усмонали БЕГМАТОВ, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси, вилоят кенгаши депутати:

— Яқинда Риштон туманида анжуман ўтказдик. Анжуман мавзуи табиийки яқинда бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари сайловига бағишланди. Баҳслар тортишувларга, жонли мунозарага айланди. Нуронийларимизнинг ижтимоий ҳаётда кечаётган жараёнларга бефарқ эмаслиги, бу ишларни зўр эътибор билан кузатиб бораётганликлари бизни хурсанд қилди.

Вилоятда фуқаролар йиғинлари қошида нуронийларнинг жамоатчилик назорат гуруҳлари фаолият кўрсатяпти. Маслаҳатда шу гуруҳларнинг фаолиятини тўла-тўкис бўлажак сайловларга қаратиш ҳақида келишиб олдик.

Толибжон ҲАФИЗОВ, вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси,

— Истиқлол йилларида маҳаллалар фаолияти бутунлай янгича моҳият ва мазмун касб этди. Илк бора бизнинг юртимизда жаҳон тажрибасида маҳалла фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи бўлиб қолаяпти. Шу туфайли ҳам бўлажак сайловларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ҳозир фуқаролар йиғинларида бу ўзига хос имтиҳонга қизғин ҳозирлик кетаяпти. Бу сайловда бўлажак номзодларнинг салоҳияти, қобилияти, ташкилотчилиги ҳам аён бўлиб қолади.

«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИРОВ ёзиб олди.

Кўлами — кенг, самараси — беқиёс

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича дастлабки миллий ҳисоботини эълон қилди.

Ҳисобот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли агентликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан яқин ҳамкорликда тайёрланган. Мамлакатнинг айни пайтдаги ривожланиш тенденцияларини ўзида акс эттиришга қаратилган мазкур ҳужжат Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами мониторингини олиб бориш жараёнига ёрдам беради. Ҳисоботни тайёрлашдан мақсад, жамоатчиликни Мингйиллик ривожланиш мақсадларига оид маълумотлар билан батафсил таништириб бориш, мамлакатимизни ривожлантириш борасидаги долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирларга бағишланган илмий изланишларни рағбатлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари раҳбарлари томонидан 2000 йилда қабул қилинган ривожланишга оид саккиз мақсаднинг ижроси ҳозир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг бош йўналишига айланган. БМТнинг зиммасига мамлакатларнинг ривожланишига доир устувор йўналишларни ўзида ифода этган миллий Мингйиллик ривожланиш мақсадларини белгилаш ва уларга эришишда ҳукуматларга амалий ёрдам бериш вазифаси юклатилган.

БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан уюштирилган тақдимот маросимида таъкидланганидек, ҳисоботда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари Мингйиллик ривожланиш мақсадлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Унда келтирилган асосий кўрсаткичлар муайян миллий мақсадлар борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар кўламини ва уларга белгиланган муддат — 2015 йилгача эришиш имкониятларига баҳо беришда кўмаклашади. Улар Ўзбекистонга оид миллий ва халқаро манбалардан олинган статистик маълумотлар билан мустаҳкамланган.

Ҳисоботнинг негизини ташкил этувчи миллий мақсадлар глобал мақсадларга жуда ўхшаш. Айни пайтда улар, мамлакатдаги талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитига мосланган. Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ҳисоботда қайд этилганидек, Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига оид барча мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Унинг ижросини таъминлаш борасидаги миллий мақсадлар ва вазифалар қатор давлат стратегиялари ва дастурларига киритилган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Умумтаълим мактабларини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури, хотин-қизларни иш билан таъминлашга, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишга оид дастурлар шулар жамласидандир. Ўзбекистон ҳукуматининг миллий Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга доир саъй-ҳаракатлари халқаро донорлар ҳамжамияти томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ҳукуматимиз томонидан етакчи донор ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланган Аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича 2005-2010 йилларга мўлжалланган дастур бунинг ёркин мисоли бўла олади.

Тадбирда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ф.Акчура, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Алихонов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Акбарова, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили Р.Ҳусайний ва бошқалар сўзга чиқиб мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар Миллий ривожланиш мақсадлари дастурига мос келишини алоҳида таъкидлашди. Шу боис ҳисобот халқаро ташкилотлар ва кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Юлдуз РИЗАЕВА.

Ўқув жиҳозлари тақдимоти

Сўнгги йиллар республикамиз таълим тизимида туб бурилиш даври бўлди. Мазкур соҳага берилаётган эътиборнинг самараси ўлароқ жойларда бири-биридан кўркам ўқув даргоҳлари қад ростлаяпти. Аммо шу билангина чекланиб қолинса, ёшларимизни ҳар томонлама баркамол кўришдек эзгу мақсадга эриша олмаган бўлардик. Қувонарлиси шундаки, ҳар бир таълим муассасаси ихтисослигига мос равишда замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги информатика касб-ҳунар коллежи ҳам ана шундай даргоҳлардан биридир. Талабаларининг билимдонлигию ўқитувчиларининг малакали эканлиги билан намуна кўрсатаётган мазкур таълим маскани яқинда яна бир ютуқни қўлга киритди. Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги лойиҳа доирасида янги ўқув жиҳозларига айнан ушбу коллеж лойиқ деб топилди.

Лойиҳага кўра, таълим муассасасига 75 тўплам компьютер, видео-аудио жиҳозлари ва бир қанча электрон воситалар тақдим этилди.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қирқиш чизиғи

мий йиғилишида ширкат аъзосининг вакили бўлиши мумкин.

Ширкат аъзосининг — жисмоний шахснинг ишончномасида унинг паспортидаги маълумотлар кўрсатилади ва шахсий имзоси билан тасдиқланади. Ширкат аъзосининг — юридик шахснинг ишончномаси раҳбарнинг имзоси ва муҳр билан тасдиқланади.

Ишончнома ширкат аъзосининг вакилига ширкат аъзоларининг битта умумий йиғилишида ёки ишончномада кўрсатилган вақт давомида барча йиғилишларида ширкат аъзосининг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб сўзга чиқиш ҳамда битта йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан ёхуд барча ҳолларда овоз бериш ваколатини бериши мумкин.

Агар бир шахс жой мулкдорларидан бир нечтасининг вакили бўлса, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида манфаатларини ифодалаётган ҳар бир ширкат аъзосининг номидан алоҳида-алоҳида овоз беради.

22-модда. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилиш

Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарор, агар ширкат аъзоларининг эллик фоизидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Қарор қабул қилинаётганда йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича ширкат аъзосининг қарори кўрсатилган ва имзоси қўйилган ҳолда йиғилишга ёзма шаклда берилган ширкат аъзоларининг овозлари ҳисобга олиниши ширкат уставида белгилаб қўйилиши мумкин.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор ширкатнинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

23-модда. Ширкатдаги ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йиғилиши

Ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ширкатдаги ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йиғилишлари ўтказилиши шарт.

Ширкатдаги ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йи-

Буклаш чизиғи

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ширкатнинг олий органидир.

Бошқарув ширкатнинг ижро этувчи органи бўлиб, ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

19-модда. Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатлари

Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

ширкат уставини тасдиқлаш ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

ширкатнинг бошқарувини, бошқарув раисини ва тафтиш комиссиясини сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

умумий мол-мулкни ва ширкат мол-мулкини бошқариш, уларга ҳизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш усулини танлаш;

умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш ишларининг йиллик режасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш;

бошқарувчиликка (ижрочи директорликка) номзодни ёки бошқарувчи ташкилотни тасдиқлаш;

ширкат бошқаруви раисига, аъзоларига ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш;

ширкат ходимларининг, шу жумладан бошқарувчининг (ижрочи директорнинг) иш ҳақи миқдорини ва уларни тақдирлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

ширкатнинг махсус фондларини тузиш ва улардан маблағлар сарфлаш тартибини белгилаш;

умумий мол-мулкдан, ширкатнинг ер участкасидан ва мол-мулкидан фойдаланиш қоидаларини белгилаш;

ширкат аъзоларининг ширкат бошқаруви раиси, аъзолари ҳамда тафтиш комиссияси фаолиятига та-

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 24 февралда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади кўп квартирали уйларда уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати (бундан буён матнда ширкат деб юритилади) кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий

Буклаш чизиғи

36-модда. Ширкатнинг ширкат ер участкаларида жойлашган объектлар мулкдорлари билан муносабатлари

Ширкатнинг ширкат ер участкаларида жойлашган, алоҳида турган объектлар мулкдорлари билан муносабатлари қонун ҳужжатлари асосида ва мазкур мулкдорлар ўртасидаги келишув билан тартибга солинади.

37-модда. Ширкатнинг мол-мулки

Ширкатнинг мол-мулки пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, асбоб-анжомлар, транспорт воситалари ҳамда ширкат маблағлари ҳисобига ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда олинган ўзга мол-мулкдан, шунингдек ширкатнинг ер участкасидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларидан иборат бўлади.

Ширкатнинг пул маблағлари қуйидагилардан таркиб топади:

ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари;

ширкат аъзоларининг ихтиёрий бадаллари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари;

тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойда);

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ва тушумлар.

Алоҳида кўп квартирали уйдаги жой мулкдорлари ширкат аъзолигидан чиққан тақдирда, бу кўп квартирали уйни капитал таъмирлаш учун жой мулкдорлари томонидан маблағларни мақсадли жамғариш ҳисобига тўпланган ширкат пул маблағларининг бир қисми янги тузилаётган ширкатга белгиланган тартибда ўтказилиши керак.

5-боб. Якуниловчи қоидалар

38-модда. Низоларни ҳал этиш

Ширкатларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

ташкилот умумий мол-мулкни ширкат билан тузилган шартнома асосида берилган ваколатлар доирасида бошқаради.

34-модда. Умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш

Умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича фаолият:

ширкат;

жой мулкдорлари;

пудратчилар (юридик ёки жисмоний шахслар) томонидан амалга оширилиши мумкин.

Пудратчилар умумий мол-мулкка хизмат кўрсатишни ва уни таъмирлашни ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

35-модда. Ширкатнинг ер участкалари

Ер участкалари ширкатга белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

Ширкатлар қайта ташкил этилганда, шунингдек жой мулкдорлари ширкат аъзолигидан чиққанда (ширкатга аъзо бўлиб кирганда), ширкатларнинг ер участкалари чегаралари (ўлчамлари) белгиланган тартибда ўзгаради.

Ширкат таркибидан унинг аъзолари – жой мулкдорларининг бир қисми чиқиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ер участкасининг бир қисми олиб қўйилиши ширкатга етказилган зарарнинг ўрни тегишли равишда қопланган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ширкатнинг розилиги билан амалга оширилади.

Ширкатга тааллуқли бўлмаган объектларни ширкатнинг ер участкасида жойлаштириш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг розилиги билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Ширкатнинг янги қуриладиган объектлари учун ажратиладиган ер участкаларининг ўлчамлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқ белгиланади.

22

Буклаш чизиғи

турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир.

Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Ширкат ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавоб беради ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ширкат аъзоси ширкатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

4-модда. Ширкат фаолиятининг асосий вазифалари ва принциплари

Ширкат уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан (бундан буён матнда умумий мол-мулк деб юритилади) фойдаланишни таъминлаш учун ташкил этилади.

Ширкатнинг фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

ихтиёрийлик;

ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик;

ўзини ўзи бошқариш;

очиқлик ва ошкоралик;

ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш;

коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат;

уй-жой мулкдорлари олдида мунтазам ҳисобот бериш.

5-модда. Кўп квартирали уйдаги хусусий турар жой мулкдори

Кўп квартирали уйдаги жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги хусусий турар жой мулкдоридир (бундан буён матнда жой мулкдори деб юритилади).

Жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир.

3

Қирқиш чизиғи

тартиби белгиланаётганда барча ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши;

қонун ҳужжатларида ва ширкат уставида назарда тутилган ҳолларда, учинчи шахслар билан умумий мол-мулкни сақлаш, унга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш, коммунал хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда ширкат аъзоларининг манфаатларини ифодалаши шарт.

Ширкатнинг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ширкат уставига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш

Ширкатни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида амалга оширилиши мумкин.

Ширкатни қайта ташкил этиш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ширкат аъзоларининг эллик фоизидан кўп овози билан қабул қилган қарорига биноан амалга оширилади.

Қайта ташкил этилаётган ширкатнинг мол-мулкини ажратиб ёки бўлиб бериш ширкат аъзоларининг ширкат мол-мулкини шакллантиришдаги иштирокига мутаносиб тарзда амалга оширилади.

Ширкат қайта ташкил этилаётганда умумий мол-мулкка тааллуқли техник ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олиш-топшириш амалга оширилади.

Ширкатни тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Ширкат тугатилаётганда ширкатнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки ширкат аъзолари ўртасида ширкат аъзоларининг ширкат мол-мулкини шакллантиришдаги иштирокига мутаносиб тарзда тақсимланади.

3-боб. Ширкатни бошқариш

18-модда. Ширкатнинг бошқариш органлари

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ва ширкат бошқаруви ширкатнинг бошқариш органларидир.

10

Буклаш чизиғи

ғилиши қуйидагиларни тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади:

умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш ишлари режасининг бир қисми сифатида ҳар бир уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режасини;

ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметасининг бир қисми сифатида ҳар бир уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар сметасини;

умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режаларининг ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаларининг ижросига доир ҳисоботни.

Жой мулкдорларининг йиғилиши қабул қилган қарор мазкур уйдаги барча жой мулкдорлари учун мажбурийдир.

24-модда. Ширкат бошқаруви

Ширкат бошқаруви ширкатнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

Ширкат бошқаруви ширкат аъзолари орасидан ширкат уставида белгиланган таркибда ва муддатга умумий йиғилиш томонидан сайланади.

Ширкат бошқаруви ширкат бошқаруви раиси томонидан ширкат уставида белгиланган муддатларда, лекин ойига камида бир марта чақирилади.

Ширкат бошқарувининг мажлиси унда бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли деб топилади.

Ширкат бошқарувининг аъзоси бошқарув мажлисида бир овозга эга бўлади.

Ширкат бошқарувининг қарорлари бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ширкат бошқарувининг мажлиси баённома билан расмийлаштирилади.

Ширкат аъзолари ширкат бошқарувининг мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишлари мумкин.

25-модда. Ширкат бошқарувининг ваколатлари

Ширкат бошқаруви ширкат фаолиятининг барча масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишга ҳақли,

15

Қирқиш чизиғи

улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи жой мулкдорининг умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқидаги улушига боғлиқ эмас.

Умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда ширкат аъзоларига ёки бошқа шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин.

Умумий мол-мулкнинг айрим қисмларидан фақат ўз манфаатлари учун фойдаланувчи ширкат аъзоси ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган миқдорда ширкатга ҳақ тўлаши шарт.

Жой мулкдорининг умумий мол-мулкдаги улуши асл ҳолида ажратиб берилиши мумкин эмас.

30-модда. Ширкат аъзоларининг умумий харажатлари ва мажбурий бадаллари

Жой мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммаларига олишлари шарт.

Умумий харажатлар ширкат аъзоларининг умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш билан боғлиқ харажатларидир.

Жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади.

Ширкат аъзолари умумий харажатларни қоплаш учун ҳар ойда, қоида тариқасида, пул шаклида мажбурий бадаллар тўлайдилар.

Ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдори ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

Айрим ҳолларда ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши жой мулкдори томонидан мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Мулкдорнинг ўзига қарашли жойдан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мол-мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни умумий харажатларда тўлиқ

20

Буклаш чизиғи

имтиёзлар ва кредитлар бериш;

таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудалари бериш;

кўп квартирали уйларни сақлаш ва коммунал хизматларга ҳақ тўлашда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш;

доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкалари бериш;

алоҳида дастурлар қабул қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар кўриш.

8-модда. Ширкатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ширкатлар билан ўзаро муносабатлари ширкатнинг ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи, уй-жой мулкдорлари ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда ташкил этилади.

Ширкатлар ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларининг ташкил этилиши, кўп квартирали уйларда яшовчиларнинг уй-жой фондида яшаш қоидаларига риоя этиши масалалари ҳамда биргаликда ҳал этишни талаб қиладиган бошқа масалаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади.

9-модда. Ширкатлар бирлашмалари

Ширкатлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, тажриба алмашиш, умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш, ширкатларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда фаолиятининг бошқа умумий масалаларини ҳал этиш мақсадида уюшмаларга (иттифоқларга) бирлашишга ҳақлидир.

Кўп квартирали уйларни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам ширкатларнинг уюшмаларига (иттифоқларига) кириши мумкин.

5

Қирқиш чизиғи

Ширкат ташкил этилган уйдан жой олган шахслар ўзларида шу жойга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган пайтдан эътиборан ширкат аъзоси бўлади.

14-модда. Ширкатга аъзоликнинг тугатилиши

Ширкатга аъзолик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

жойга бўлган мулк ҳуқуқи бекор қилинганда;

айрим кўп квартирали уйдаги жой мулкдорларининг кўпчилиги томонидан ширкатдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

ширкат тугатилганда.

15-модда. Ширкатнинг ҳуқуқлари

Ширкат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш усулини белгилаш;

ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини белгилаш;

ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдорларини белгилаш;

умумий мол-мулкни ва ширкатнинг мол-мулкини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш, шунингдек коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш учун юридик ҳамда жисмоний шахслар билан танлов асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ шартномалар тузиш;

умумий мол-мулкдан, ширкатнинг ер участкасидан ва мол-мулкидан фойдаланиш қоидаларини уставда назарда тутилган тартибда белгилаш;

банкларнинг кредитларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда фойдаланиш;

ўз мол-мулкини, шу жумладан айланма маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил тасарруф этиш;

ер участкаларини доимий фойдаланиш учун белгиланган тартибда олиш;

ер участкасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар қуриш;

мулкдорнинг жойи ичидаги умумий мол-мулкнинг ҳолатини назорат қилиш, унга хизмат кўрсатиш ва

8

Буклаш чизиғи

ширкат аъзолари белгиланган мажбурий бадаллар ва тўловларни ўз вақтида тўлашлари устидан назорат қилиш ҳамда қарздорликни тугатиш чораларини кўриш;

ширкатнинг маблағларини ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши тасдиқлаган ширкат даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ тасарруф этиш.

Ширкат бошқаруви қонун ҳужжатларига ва ширкат уставига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кўра ширкат бошқарувининг айрим ваколатлари шартномага биноан бошқарувчига (ижрочи директорга) ёки бошқарувчи ташкилотга ўтказилиши мумкин. Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи, олтинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи ва ўн бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ваколатлар бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

Ширкат бошқаруви:

уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ишлари танлов асосида тузилган шартномаларга мувофиқ ташкил этилиши;

муҳандислик тармоқлари ва бошқа умумий мол-мулкка талаб даражасида хизмат кўрсатилиши таъминланиши;

таъмирлаш ишларининг белгиланган нормалар ва талабларга мувофиқ сифатли бўлиши ҳамда ўз вақтида бажарилиши;

ширкатнинг маблағларидан уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш учун мақсадли фойдаланилиши;

ер участкасининг санитария ҳолати талаб даражасида бўлиши, ободонлаштирилиши ва суғориш тармоғининг сақланиши учун ширкат аъзолари олдида жавобгардир.

Ширкат бошқаруви умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режаларининг бажарилиши, амалга оширилган ҳамда режалаштирилаётган харажатлар, мажбурий бадаллар ва тўловларнинг йиғими, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойда) ҳақида ширкат аъзолари олдида мунтазам равишда, уч ойда камида бир марта ҳисобот беради. Ҳисобот тақдим этиш шакли ширкатнинг барча аъзолари учун ҳисоботдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаши

17

Қирқиш чизиғи

"Халқ сўзи"га жавоб берадилар

Бемор соғлиғи назоратга олинди

Уйчилик Султонбой Қирғизов жорий йил бошида таҳририятимизга йўллаган шикоят хатида синглиси Роҳатхон Отамирзаеванинг ногиронлик гуруҳини аниқлашга мутасадди шифокорлар лоқайдлик билан қарашгани ҳақида сўз юритганди. Биз унинг аризасини текшириш ва зарур чоралар белгилаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига жўнатгандик. Шу муносабат билан яқинда Даволаш-профилактика ва ёрдам бош бошқармаси бошлиғи Ш.ҲОШИМОВ номидан расмий жавоб олдик. Жавобда, жумладан, шундай дейилганди:

"С.Қирғизовнинг шикояти вазирлик ва Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари иштирокида кўриб чиқилди.

Аниқланишича, Уйчи тумани, Хўжаобод қишлоғида яшовчи Роҳатхон Отамирзаева бир неча йиллардан буён Деформацияловчи ревматоидли полиартрит ташхиси билан диспансер назоратида туради. Унинг касаллиги бўйича ногиронлик гуруҳини аниқлаш мақсадида турар жойига қарашли ҳудудий туман поликлиникаси томонидан тиббий ҳужжатлар расмийлаштирилди ва 2006 йил 7 март куни унга тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси хулосасига кўра иккинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланди.

Бемор Р.Отамирзаеванинг соғлиғини мунтазам назорат қилиб бориш туман марказий шифохонаси раҳбарияти зиммасига юклатилди".

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, автомобилларда йўловчи ташиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Сиз аввалги олган эски намунадаги лицензияларни жорий йилнинг 1 май кунига қадар янги намунадаги лицензияларга алмаштиришингиз керак.

Лицензия алмаштириш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментига мурожаат қилинг.

Департамент манзили: Амир Темур к., 6-уй, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси биносида жойлашган.

Мулоқот учун телефонлар: 136-00-91, 144-57-86, 134-81-32.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

фундаментал тадқиқотлар соҳасида ташаббускор ёш олимлар илмий лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича танлов эълон қилади:

1. Математика, механика ва информатика.
2. Физика, астрономия ва энергетика.
3. Кимё.
4. Биология, биотехнология ва тиббиёт.
5. Ер ҳақидаги фанлар.
6. Бозор иқтисодиёти, давлат ва ҳуқуқ назарияси.
7. Ижтимоий-гуманитар фанлар.

Танловни ўтказишдан мақсад иқтидорли ёш олимларнинг табиат ва жамиятнинг янги қонуниятлари ҳамда ҳодисаларини ўрганишга йўналтирилган юқори савияли фундаментал тадқиқотларини қўллаб-қувватлашдир.

Танловда илмий даражаси, унвони, иш жойи ва лавозимидан қатъий назар 33 ёшгача бўлган барча ёш олим ва мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Лойиҳани бажаришга жалб этиладиган ижрочиларнинг ёши ҳам 33 ёшдан ошмаслиги керак.

Танловга кутилажак илмий натижалари эксперт томонидан баҳолай олинадиган, ҳал этилиши мўлжалланган фундаментал муаммо аниқ кўрсатилган (2 йилга мўлжалланган) лойиҳалар қабул қилинади.

Танловга тегишли барча зарур маълумотлар, лойиҳаларни расмийлаштириш тартиби ва асосий қоидалари билан Фан ва технологиялар маркази, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларида ёки Фан ва технологиялар марказининг қуйидаги интернет сайтида танишиш мумкин: www.ftm.uz

Танловга илмий лойиҳалар тегишли вазирлик ва идоралар орқали тақдим этилиши лозим.

Лойиҳалар Фан ва технологиялар марказида матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб 2006 йил 20 майгача, шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14.00 дан 18.00гача ёки почта жўнатмаси орқали (700000, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 62-уй) қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 137-62-46, 135-63-04.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 февралдаги «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисида»ги 14-сонли қарорига асосан

Тошкент давлат муҳандислик-техник тадқиқотлар институти («Тошкенттадқиқот») қайта тузилиши муносабати билан ўз фаолиятини тугатади.

Янги ташкил этилган Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтининг Тошкент шаҳар шўъба корхонаси «Тошкенттадқиқот» институтининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Даъволар бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Новоий к., 2-а уй. Тел.: 41-03-91.

«Тошкенттадқиқот» институти раҳбарияти.

ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

Ширкат бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар киради:

ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини ҳамда жой мулкдорлари йиғилишини чақириш ва уларнинг ўтказилишини тащкил этиш;

умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш ишлари режасининг лойиҳасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш;

ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш;

ширкат устави талабларининг ва ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

бошқарувчиликка (ижрочи директорликка) номзодларнинг ёки бошқарувчи ташкилотнинг танлов асосида танлаб олинишини ташкил этиш;

пудратчиларни танлов асосида танлаган ҳолда умумий мол-мулкка, ширкатнинг мол-мулкига хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун буюртмачи вазифаларини бажариш;

танлов ғолиби билан умумий мол-мулкни ва ширкат мол-мулкини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун шартномалар тузиш;

умумий мол-мулк, ширкатнинг ер участкаси ва мол-мулки асралиши ва сақланиши устидан назорат қилиш;

ускуналар, асбоб-анжомлар ва бошқа моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш, уларни сотиш, топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, шунингдек уларни ширкатнинг балансидан чегириб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш;

ширкат аъзоларининг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш;

иш юритиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини, маблағлар тушуми ҳамда уларни сарфлаш ҳисобини ширкатдаги кўп квартирали ҳар бир уй бўйича алоҳида-алоҳида юритиш;

Буклаш чизиғи

уни таъмирлаш мақсадида мулкдорни олдиндан хабардор қилгач, мулкдорнинг жойига унинг борлигида кириш ёки авария юз берган тақдирда белгиланган тартибда дарҳол кириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молмулк олиш, ширкатнинг мол-мулкини сотиш, топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, балансдан чегириб ташлаш;

ширкат аъзоларига ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

маблағлари ширкат уставида назарда тутилган мақсадларга сарфланадиган махсус фондларни ташкил этиш.

Ширкат умумий мол-мулкни асрашни таъминлаш мақсадида мулкдорларнинг жойларини белгиланган тартибда қайта қуриш, ўзгартириш, қайта жиҳозлашни келишиб олишни амалга оширади.

Ширкат қонун ҳужжатларига ва ширкатнинг уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16-модда. Ширкатнинг мажбуриятлари

Ширкат:

умумий мол-мулк, ширкатнинг ер участкаси ва мол-мулки белгиланган қоидалар, нормалар ҳамда стандартларга мувофиқ асралиши ва сақланишини таъминлаши;

ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ва жой мулкдорлари йиғилишларининг қарорлари бажарилишини таъминлаши;

мажбурий бадаллар ва тўловлар ўз вақтида келиб тушишини таъминлаши;

ҳар йили умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режасини, шу жумладан кўп квартирали ҳар бир уй учун шундай режани белгилаши ва унинг ижросига доир ҳисобот тузиши;

ҳар йили ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда унинг ижросига доир ҳисобот тузиши, шу жумладан кўп квартирали ҳар бир уй бўйича шундай смета ва ҳисобот тузиши;

умумий мол-мулкдан фойдаланиш шартлари ва

Қирқиш чизиғи

6-модда. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдоридир.

Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт.

Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади.

Ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори шартнома тузишдан бўйин товлаган тақдирда, ширкат шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишга ҳақли.

7-модда. Ширкатларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат ширкатларнинг ва ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари таъминланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, ширкатларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Ширкатлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

уй-жой соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан стандартлар қабул қилиш;

коммунал хизматларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;

уй-жой-коммунал соҳасида хизматлар кўрсатишда рақобатни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

Буклаш чизиғи

ёки қисман иштирок этишдан озод қилмайди.

Жой мулкдори ўзининг умумий харажатлардаги иштироки бўйича мажбуриятини ижара (аренда) шартномаси асосида жойни ижарага (арендага) олувчига ўтказиши мумкин. Жой мулкдори мажбурий бадаллар ва тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар ижарага (арендага) олувчига ўтказилганлиги тўғрисида ширкатни хабардор қилиши шарт.

Ширкат ва унинг аъзолари ўртасидаги умумий мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ ўзаро муносабатлар ушбу Қонун ҳамда ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорлари билан тартибга солинади.

31-модда. Ширкат аъзоларининг мажбурий тўловлари

Ширкат аъзолари ўзларига кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тўлайдиган ҳар ойлик тўловлар мажбурий тўловлар ҳисобланади.

Мажбурий тўловларни тўлаш муддати ва уларнинг миқдори қонун ҳужжатларида ҳамда коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар (ижрочилар) билан тузилган шартномалар асосида белгиланади.

32-модда. Умумий мол-мулкни сақлаш

Умумий мол-мулкни сақлаш умумий мол-мулкнинг лозим даражадаги техник ва санитария ҳолатини таъминлашга қаратилгандир.

Умумий мол-мулкни сақлаш уни бошқаришни, техник ва санитария ҳолатини сақлаб туришни (хизмат кўрсатишни), таъмирлашни ҳамда бу мол-мулкни асрашга ва ундан фойдаланиш бўйича зарур шароитлар яратишга қаратилган бошқа фаолиятни қамраб олади.

33-модда. Умумий мол-мулкни бошқариш

Умумий мол-мулкни бошқариш:

ширкатнинг бошқариш органлари;

бошқарувчи (ижрочи директор) – жисмоний шахс, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркор;

бошқарувчи ташкилот – ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс томонидан амалга оширилиши мумкин.

Бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи

Қирқиш чизиғи

керак ва у ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

26-модда. Ширкат бошқаруви раиси

Ширкат бошқаруви раиси умумий йиғилиш томонидан ширкат аъзолари орасидан ширкат уставида белгиланган муддатга сайланади.

Ширкат бошқаруви раиси:

ширкат бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади;

ширкатнинг манфаатларини ифодалайди;

ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ва ширкат бошқарувининг қарорлари бажарилишини таъминлайди;

ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ёки ширкат бошқарувининг қарорларига мувофиқ молиявий ҳужжатларни, шартномаларни имзолайди;

умумий мол-мулкни ва ширкатнинг мол-мулкини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш усуллари бўйича, бошқарувчиликка (ижрочи директорликка) номзод ёки бошқарувчи ташкилот бўйича бошқарув томонидан тайёрланган таклифларни ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритади;

ширкат ходимларининг иш ҳақи миқдори ва уларни тақдирлаш тўғрисидаги низом, ширкатнинг бошқа низомлари ва қоидалари юзасидан таклифларни ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритади;

қонун ҳужжатларига ва ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ ширкат ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ҳамда уларни бекор қилади.

Ширкат бошқаруви раисининг ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ваколатлари бошқарувчига (ижрочи директорга) ёки бошқарувчи ташкилотга ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан шартнома бўйича ўтказилиши мумкин.

27-модда. Ширкат тафтиш комиссияси

Ширкат тафтиш комиссияси ширкат аъзолари-

Буклаш чизиғи

11-модда. Ширкат устави

Ширкатнинг уставида қуйидагилар бўлиши керак:

ширкатнинг тўлиқ номи, фаолиятининг соҳаси ва мақсади, жойлашган ери (почта манзили);

жой мулкдорлари ширкатга бирлашган кўп квартирали уйнинг (уйларнинг) манзили;

ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

мажбурий бадалларнинг миқдорларини белгилаш ва ширкат аъзолари томонидан уларни тўлаш тартиби;

умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини ҳамда бошқа фаолиятини бошқариш тартиби;

ширкатнинг бошқариш органлари ва тафтиш комиссиясининг миқдор таркиби ҳамда сайланиш муддати тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг ваколатлари, қарорлар қабул қилиш тартиби.

Ширкат уставида ширкат фаолияти билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Ширкатнинг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

12-модда. Ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш

Ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

Ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида амалга оширилади.

13-модда. Ширкатга аъзолик

Жой мулкдорлари — юридик ва жисмоний шахслар ширкат аъзолари бўлади.

Жой бошқа шахсга берилган тақдирда, унинг мулкдори — ширкат аъзоси янги мулкдорни ўзининг ширкат аъзоси эканлиги ҳамда ширкат уставида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалиги, бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги мулкдорга ўтиши ҳақида хабардор қилиб қўйиши шарт.

2-боб. Ширкатни ташкил этиш. Ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10-модда. Ширкатни ташкил этиш тартиби

Ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган бир нечта уйдаги жойлар мулкдорларининг кўп квартирали ҳар бир уйдаги барча жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпи ҳозир бўлган умумий йиғилишида қабул қилинади.

Жой мулкдорларининг умумий йиғилиши исталган жой мулкдорининг ташаббуси билан чақирилади.

Ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор, агар барча жой мулкдорларининг эллик фоизидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Кўп квартирали яқин, зич жойлашган бир нечта уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирадиган ширкат ташкил этилаётганда ана шу уйларнинг ҳар биридаги жой мулкдорларининг эллик фоизидан кўпининг розилиги олинган бўлиши керак. Жой мулкдорларининг умумий йиғилишга ёзма шаклда берилган овозлари, агар унда ширкатни ташкил этиш масаласи бўйича мулкдорнинг қарори ва унга қарашли жой манзили кўрсатилган бўлса, ҳисобга олинишига йўл қўйилади.

Жой мулкдорларининг ташкилий умумий йиғилиши, қоида тариқасида, қуйидаги кун тартиби билан ўтказилади:

ширкатни ташкил этиш тўғрисида;

ширкатнинг уставини тасдиқлаш тўғрисида;

ширкат бошқаруви раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида;

ширкатнинг тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида.

Жой мулкдорларининг ташкилий умумий йиғилишида ширкатни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Жой мулкдорлари ташкилий умумий йиғилишининг овоз бериш натижалари ҳамда ёзма шаклда берилган овозлар сони кўрсатилган баённомасини йиғилиш раиси ва котиби имзолайди.

Буклаш чизиғи

нинг умумий йиғилиши томонидан ширкат аъзолари орасидан камида уч кишидан иборат таркибда кўпи билан икки йил муддатга сайланади.

Ширкат тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида ширкат бошқарувининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Ширкат тафтиш комиссияси ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

Ширкат тафтиш комиссияси ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади.

Ширкат тафтиш комиссияси ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида ҳар йили ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ширкат тафтиш комиссиясининг ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилгунига қадар учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун белгиланган тартибда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақлидир.

4-боб. Ширкатда мулк ҳуқуқи ва мол-мулк

28-модда. Умумий мол-мулк

Кўп квартирали уйнинг умумий жойлари, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар умумий мол-мулк ҳисобланади.

29-модда. Умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи

Умумий мол-мулк жой мулкдорларига умумий

Қирқиш чизиғи

Осиё чемпионати:

ЎРИНБОСАРЛАР СИНОВДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Алмати шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича навбатдаги Осиё чемпионати якунланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусобақада мураббийларимиз терма жамоа таркибида янги ёш полвонларни синовдан ўтказдилар. Бу қайсидир жиҳатдан ўзини оқлади, дейишимиз мумкин.

Қитъа чемпионатида юнон-рум кураши бўйича вакилларимиздан Баҳодир Имомов, Равшан Рўзиқулов, Жаҳонгир Мўминов, Денис Здориков ва Абдумалик Алиевлар ўз вазн тоифаларида бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Эркин курашчилар баҳсида икки полвонимиз яхши кўрсаткичга эришди. 84 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Заурбек Сохиев финалда мўғулистонлик полвонга кичик ҳисобда имкониятни бой бериб кумуш медали билан чекланди. Арслан Хуталиев бронза медалига эгалик қиладиган бўлди.

Полвонларимизни Осиё чемпионатига мураббийлар Маъмуржон Рўзиев, Рустам Қудратов ва Замир Гарипов тайёрлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КИНО

Алишер Навоий номидаги Кино саройида "Ўткинчи бахт" бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

«ЎТКИНЧИ БАХТ»

Л.Каримова ҳамда Д.Масаидов сценарийси асосида "Najot" ижодий гуруҳи томонидан суратга олинган мазкур фильм ҳаётга енгил-елпи муносабатда бўлиш оқибатида юзага келадиган кўнгилсиз воқеалар ҳақида.

Фильм режиссёри — Нажот Хожиев, оператор — Элдор Мамедов.

Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов, Лола Элтоева, Наргиза Абдуллаева, Аброр Парпиев каби актёрлар ижро этган.

(ЎзА).

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали
МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА
ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., Братислава к., 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90,
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
МАЗ
ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэксковаторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.
Барча автотехникалар учун кафолат берилади.
Лизингга ҳам!
Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O`zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.
Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru
Товар сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетини ривожлантириш жамғармасининг юридик шахс сифатидаги фаолияти 2006 йил 1 апрелдан бошлаб тўхтатилади. Даъво аризалари эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой муддатда қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент ш., А. Қодирий кўчаси, 11-уй, тел: 144-95-96, 144-00-78.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 123456